



Қадимдан Дашти кипчокнинг шарқий қисмида, хусусан Ғарбий Қозогистон, Тобольск, Тура ва Тюменда кўчиб юрган турк-мўғул қабилалари: арлот, баҳрин, буркут, дўрмон, ийжон, хитой, корлук, можор, кипчок, киёт, кўнгирот, мангит, найман, нукуз, тангут, кушчи, туман минг ва бошқа қабилалар XIII аср охири ва XIV—XVI асрларда яшаб нжод этган Шарқ тарихчилари томонидан умумий бир ном билан «ўзбек» деб аталган. Хамдуллох Муставфийи Қазвиний (1281 —1350) нинг «Тарихи тузида» («Танланган тарих») асарида Олтин Ўрда хони Ўзбекхонга тобе ерлар ва халқлар ҳақида фикр юритилади ва бу қабилалар «ўзбекиён» («ўзбеклар»), улар кўчиб юрган ерлар, яъни Шарқий Дашти кипчок эса «мамлақати ўзбек» («ўзбек мамлақати») деб аталган. «Ўзбек» атамаси қабилалар уюшмаси ва шу қабилаларга қарашли ерларнинг номи сифатида Ўзбекхонга қадар ҳам қўлланилган. Масалан, Мирзо Улугбек ўзининг «Тарихи арбаъ улус» («Тўрт улус тарихи») номли тарихий асарида Ўзбекхоннинг ҳокимият тепасига келиши зикрида «узбек улуси унга берилди» деб ёзади. Амир Темурнинг замондоши тарихчи олим Низомуддин Шомийнинг «Зафарнома» китобида Ок Ўрда хони Урусхон «ўзбек подшоши» дейилган. Араб тарихчиси ал-Қалқошандий (1418 йилда вафот этган) Олтин Ўрда хони Тўхтамишни «ўзбек мамлақатининг подшоши» деб атайди. Гиёсиддин Хондамир яна ҳам аниқроқ маълумот келтирган: у Тўхтамиш хоннинг қўшинини у«сипохи ўзбек» («узбек қўшини») деб номлайди. Хондамирнинг бу сўзларини султон Муъинуддин Натанзий ва Абдураззоқ Самарқандийлар ҳам тасдиқлайдилар. Улар Тўхтамишдан кейин Олтин Ўрдада хон бўлган Темир Қутлуг, Шодибек, Пўлодхон, Улуг Муҳаммадхонни «Дашти кипчок ва узбек вилоятининг ҳукмдори» деб атаганлар. Жувайний (1226—1283), Рашидиддин ва улардан бирмунча вақт кейин ўтган тарихнавислар: Масъуд ибн Усмон Қўхистоний, Қамолуддин Биноий, Рузбехон, «Таворихи гузида, нусратнома» китобининг номаълум муаллифи (XVI аср боши) ва Махмуд ибн Валилар Дашти кипчок ўзбеклари ва улар кўчиб юрган ерлар, уларнинг ўзаро муносабатлари ҳақида жуда кўп маълумотлар ёзиб қолдирганлар. Шайбонийхоннинг замондоши Рузбехонинг «Меҳмонномаи Бухоро» китобида ҳам муҳим маълумотлар учрайди. У Дашти кипчок ўзбеклари уч тоифадан: Шайбонийлар (Шайбон улусида кўчиб юрган ўзбеклар), қозоқлар ва мангитлардан ташкил топганлигини айтади.

Шайбон улуси, ишончли манбаларнинг маълумотларига қура, 1238 йили ташкил топган ва Урал тоғининг жанубий этакларидан то Тобол ва Сарисув дарёлари соҳилларигача бўлган ерларни ўз ичига олган. Унинг жанубий ҳудуди Орол денгизининг шимолий соҳили, шимолий чегараси эса Чинги Турада (Тюмень) бўлган.

Мангит улуси эса Эмба билан Ейик дарёлари оралигидагя ерларни ўз ичига олган. Мангитлар XV асрнинг 30-йилларида кўчманчи ўзбеклар давлатининг асосчиси шайбоний Абулхайрхонга бўйсунганлар.

Дашти кипчок ўзбеклари асосан чорвачилик билан машгул бўлганлар, вохаларда қисман зироатчилик билан ҳам шугулланганлар. Хайвон терисидан турли буюмлар тикканлар.

Дашти кипчок ўзбеклари фақат Ўзбекхон замонида ислом динини қабул қилганлар, лекин уларнинг урф-одатларида маъжусийлик (зороастризм)нинг айрим аломатлари («яда тоши»нинг кароматларига ишониш, Куёшга сизиниш ва хоказо) сакланиб қолган.

Дашти кипчок ўзбекларининг фаолиятида талончилик урушлари муҳим ўрин эгаллаган. Улар Ўрта Осиё ва Шарқий Туркистонинг бир неча халқнинг таркибига ҳам қирган.

Бўривой Аҳмедов